



АССАЛОМ, ҲИНД БАЙРАМИ!

Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

Ўзбекистон Компартияси Тошкент
шаҳар комитети ва халқ депутатлари
шаҳар Советининг органи

Газета 1966 йил 1 июлдан
чиқа бошлаган.

№ 201 (6. 392)

1987 йил 4 сентябрь, жума

Баҳоси 3 тийин

नमस्ते उत्सव!



© Рассом Олимжон Холиқов чизган плакат.

Бизнинг интервью

КУДРАТЛИ САДО

Бакул ДАВЭ,
Ҳиндистон республикаси
нинг Гужарат штатидаги эр-
каклар фольклор рақс груп-
пасининг раҳбари.

— Мен аслида давлат бан-
ки хизматчиси. Бу ерга
рақс группаси бошлиғи си-
фатида келдим. Рақслар
группаси асосан ҳаваскор
йигитлардан ташкил топан.
Унда турт созанда ва 16
раққос бор. Улар ижро эта-
диган рақс гоята жозибали.
Ўзининг тез ҳаракати билан
гужарлар рақсига ўхшаб
кетди.

Гужарат штатида Мансур
Жоси раҳбарлик қилаётган
санъат тадқиқотлари мар-
кази Тошкентта инкита рақс
группасини тайёрлаб юбор-
ди. Биз биринчи марта Со-
вет Иттифоқига келиш ша-
рафига муяссар бўлганимиз-
дан чексиз мамнунимиз. Ўй-
лайманки, рақсларимиз, му-
зикамиз ўзбек томошабин-
ларига манзур бўлади.

Тошкентнинг В. И. Ленин
номли майдонда бошланган
ҳинд халқининг санъат бай-
рами ўз кўлами билан гоя-
та аҳамиятлидир. Бундай
тадбирлар буюк мамлакат-
ларимиз ўртасидаги алоқа-
ларни мустаҳкамлашда му-
носиб хизмат қилади.

БУГУН В. И. ЛЕНИН НОМИДАГИ МАЙДОНДА УТСАВ—
ҲИНД МИЛЛИЙ САНЪАТ БАЙРАМИ
ТАНТАНАЛИ РАВИШДА ОЧИЛАДИ.

С. МАЛИСВАРИ,
Тамилнаду штатидаги Се-
лем шаҳри ўрта мактаби 8-
синф ўқувчиси.

— Мен болалигимдан оқ-
куп китобларда «Совет
Иттифоқи», «Ўзбекистон»,
«Москва», «Тошкент» деган
сўзларни учратар эдим.
Ана шу жойларга боришим
жуда-жуда орозу қилар эдим.
Бу оравимнинг рўбига чини-
лишда спорт билан ошно бў-
лишим жуда қўл келди. Тош-
кентда бўладиган ҳинд фес-
тивалида қатнашим учун
конкурс ўтказилганда мен
Ўз мактабимда мусобақалар-
да ғолиб қилиб, сараланган
группага аъзо бўлиб кирдим
ва Тошкентга етиб келдим.
Мен 13 ёшдаман. Мақсадим
фақат спортчи бўлиб вояга
етиш. Отам тўқимачилик
корхонасида ишлайди. Онам
эса уй бекаси. 7-синфда

ўқийдиган укам бор. Ёним-
даги дугонам мен билан
тенгдош. Унинг исми Пала-
ниаммал. Бирга ўқиймиз.
Унинг ҳам ота-ониси, син-
гиллари бор. Биз иккаламиз
Тошкентда ўтаётган ҳинд
фестивалида қатнашаётган-
лигимиз билан беҳад хурс-
сандимиз.

В. Н. КАЙЛА,
Ҳиндистон спорт институ-
тининг директори.

— Биз Тошкентда ўтаёт-
ган ҳинд байрамида қатор
спортчиларимиз билан қат-
нашамиз. Улар «Силамбом»
халқ ўйинларини намойиш
этишмоқда. Маълумки ҳинд
халқи ўз тарихида жуда кўп
машаққатли даврларни кўп
бошдан кечирган. Ташқи душ-
манларга қарши курашишда
халқимиз турли маҳорат ва
чаққонликларни ишлатган.
Ана шундай курашларда бу

спорт ўйини турилган. «Си-
ламбом» санъатини юксак
эгаллаган маҳоратли спорт-
чи ҳар қандай ёвуз кучни
даф эта олади. Бу спорт
ўйини билан доктор Девид
Мануэл Раж кўп шугулла-
нади. У яқинда Америка
Қўшма Штатларида ана шу
халқ ўйинини намойиш этди.

Тошкентда ўтаётган ҳинд
байрами биз оддий кишилар-
нинг дунёқарашимызни, си-
зининг мамлакатингиз ҳақида
бўлган тасаввурларини
янада бойитди. Мен проле-
тар ёзувчиси Максим Горь-
кийнинг ҳинд тилида чоп
этилган асарларини севиб
ўқийман. Улар китоб жа-
вонимдан муносиб ўрин ол-
ган. Бир сўз билан айтганда
бу ердаги шодиёна кунларни
тасвирлаб бериш қийин.

Жоте РАЙНА,
Ҳиндистондаги ўрта мак-

таб бошланғич синф ўқитув-
чиси.

— Мен ўрта мактабда
бошланғич синфларга дарс
бераман. Синфимда 55 ўқув-
чи бор. Болалар билан иш-
лаш пайтида Совет Иттифо-
қи ҳақида гапириб беришга
тўғри келади. Бунинг учун
адабиётлар етишмайди. Бу
ерда эндиликда кўрган ва
кечирганларнинг ҳаммаси
жонли адабиётнинг сермаз-
мун саҳифаларидир. Мен
Тошкентнинг В. И. Ленин
майдонидagi ҳамма қувонч-
ли дамларни ўқувчиларим-
га бажонидил ҳикоя қилиб
бераман.

Тошкентда бўладиган ҳинд
байрами учун биз кўпгина
вилоятларнинг ҳаваскор рақ-
қосалари турли конкурслар-
да беллашдик. Ниҳоят «Роф»
халқ рақси бўйича ўрта қиз
танлаб олинди. Булар Нам-
му, Нашмир, Ладак штат-
ларидан келишган. Энг яхши
бир гап. Менинг ёнимдаги
дугоналаримнинг ҳаммаси
Ўзбек қизларига жуда ҳам
ўхшар экан. Икки мамлакат
қизларининг қалби ҳам
бир-бирига ўхшашини ис-
тадек ҳис этади. Ёнгилгина эса-
ётган шабода юракларга
дўст Ҳиндистон халқининг дил-
бар наволарини олиб киради.
Ҳа, бу тантана чинакамгина
биз учун унутилмас байрам
бўлиб қолиши шубҳасиз. Бу
кунни қанчалик орақиб кутган
бўлсак, эндиликда унинг су-
руридан қалблар қувонга

Замондошимиз



Ҳиндистон тарихининг билимдони

Дунёда ҳақиқий аёл бўлишдан ҳам муш-
кулроқ вазифа йўқ. Табиат томонидан аёл
кишига ато этилган барча масъулиятлар —
назоқатли бўлиш, оналик, уй-рўзгорга бека-
лик қилиш сингари ташвишларни бегараз
адо этишдан ташқари...

Ҳа, шунча ташвишлардан ташқари аёл ки-
ши яна меҳнат қилади. Биз шифохоналарда,
илм даргоҳларида, дастгоҳлар ёнида, пахта-
зорларда ана шундай мушфиқ аёлларни кўп
кўрганимиз.

Тарих фанлари доктори, Ўзбекистон ССР-
да хизмат кўрсатган фан арбоби Сабоҳат
опа Азимжоновна ана шундай аёлларимиз-
дан бири.

Республикамиз пойтахтида Ҳиндистон фес-
тивали бошланган кунда умрининг мазмунини,
нўпубай илмий ишлари сарчашмаси ҳинд
тупроғидан бошланган мўтабар олиманимиз-
нинг номини яна бир қарра эслаб ўтишни
жонс кўрдик.

Сабоҳат опанинг илм соҳасидаги стажи
салкам қирқ йилни ташкил этади. Олиманинг
XV—XVI асрларда ҳинд халқлари тарихини

ўрганиб тадқиқ қилиш борасидаги ишлари
эътиборга моликдир. Опа ўрта Осиё ва
Ҳиндистон халқлари ҳамкорлиги тарихини
ёритишда ҳам кўпонамлик кўрсатди. Абду-
раззоқ Самарқандийнинг «Ҳиндистонга саёҳати
китоби» С. Азимжонованинг бевосита ишти-
рокда чоп этилган. Олиманинг ўрта асрлар
Ҳиндистон ҳақидаги ишлари мамлакатимиз-
дан ташқари Англия, Франция, Эрон, Афго-
нистон, Ҳиндистон сингари ўнлаб хорижий
мамлакатларда чоп этилган.

Тарихсиз келажак, келмакисиз тарих йўқ.
Опа ўзининг бутун умрини тарихга бағишла-
ди.

Хуллас, Сабоҳат опа кўп гапираркан эмас,
кўп ишларни яхши кўради. Унинг тилаги —
ҳамма халқлар — ҳинд ва ё ўзбекми —
ўз тарихини яхши билисин. Ўзини, ўзларини
яхши билган эса бошқани ҳам яхши билади,
ҳурмат қилади. Бу эса — қардошлиқдир.
Ана шу туйғу омон бўлсин!

СУРАТДА: Сабоҳат Азимжоновна.
Т. Каримов фотоси.

«Марҳабо, дўстлар!»—

ТОШКЕНТЛИКЛАР ФЕСТИВАЛЬ ҚАТНАШЧИЛАРИГА
ДИЛ СЎЗЛАРИНИ ШУНДАЙ ИЗҲОР ЭТМОҚДАЛАР

Шаҳримизнинг бугунги жа-
молига кўз тикиб тўймайди
киши. Кўчалар ва хиёбонлар
дўстлик суруридан янада ўз-
гача тароват касб этган. Ал-
воқранг шорларда халқимиз-
нинг «Хуш келибсиз, азиз
дўстлар!» деган каломлари би-
тилган. Бу бежиз эмас, албат-
та. СССРда ўтаётган Ҳиндис-
тон фестивалининг узвий да-
вомий шаҳримизга ана шун-
дай сурури олиб келди.

Ҳиндистон фестивалининг кў-
таринки бир азиятда ўтаёт-
ганлиги тўғрисидаги маълумот-
ларга телевизион кўрсатувлар
орқали эга бўлган бўлсам, эн-
ди бевосита шаҳримизда ўта-
ётган ана шундай тантананда
ўзим ҳам оила аъзоларим би-
лан биргаликда иштирок эта-
ман. Шаҳримизнинг бош май-
дони — В. И. Ленин номида-
ги майдонда бўлган киши ҳуд-
ди ўзини Ҳиндистонда юрган-
дек ҳис этади. Ёнгилгина эса-
ётган шабода юракларга
дўст Ҳиндистон халқининг дил-
бар наволарини олиб киради.

Ҳа, бу тантана чинакамгина
биз учун унутилмас байрам
бўлиб қолиши шубҳасиз. Бу
кунни қанчалик орақиб кутган
бўлсак, эндиликда унинг су-
руридан қалблар қувонга

тўлмоқда. Бизнинг истагимиз
шу — бор бўлсин дўстлар!

И. ГИБСОВ,
2-автомобильда ҳайдовчиси.

Азим пойтахтимиз яна бай-
рам либосида. Шаҳримиз узра
яна дўстлик тароналари ян-
граб бошлади. Унинг саси буюк
Ҳимолай тоғларидан ошиб
фусункор дёғиримизга кириб
келди. Афсонавий ҳинд санъа-
ти ҳар бир қонадонга ташриф
буюрляпти. Бунинг ҳаммаси
дўстлик туйғули, икки буюк
халқнинг диллари ҳамоҳангли-
ги белгисидир.

Бу анжуман, айниқса, биз
ёш савиякорлар учун туган-
мас қувонч келтирди. Шу
пайтгача Ҳиндистонлик тенг-
курларимизнинг санъатлари
ни сиртдан билардик. Энди
бўлса улар билан яқиндан
танишим, иккидун маҳоратини
да баҳраманд бўлиш имко-
ниятига эга бўламиз. Ҳар
бир ўзбек актрисининг бу бай-
рамдан зўр илҳом олишига
аминман.

О. ҲОЗИЕВА,
Муқимий номидаги Ўзбек
Давлат музикали театри-
нинг актери, Ўзбекистон Ле-
нин комсомол мукофоти
лауреати.

Пойтахтимизда бўлаётган
Ҳиндистон фестивали барча

ҳамшаҳарлар қатори биз сту-
дентларнинг ҳам бай-
рамимизга айланади. Бун-
дай тадбирлар мамлакатимиз-
да илк марта ўтказилаётгани
учун ҳам қадридон. Зеро
фестиваль баҳонаси биз юз
қўришамиз, бир-биримиз би-
лан дўстлик, биродарлик ҳе-
қида ўртоқлашамиз. Энг му-
ҳими — бундай тадбирлар
жаҳонда тинчликни мустаҳ-
камлаш, кўнгилларда юксак
insonий туйғуларни барқа-
рорлаштиришда алоҳида аҳа-
мият касб этади.

Фестиваль кунлари янграй-
диган куй-қўшқилар, ҳинд
элининг дилрабо наволарини
мен умид шомолларига қисс
қилим келди. Келган меҳ-
монлар орасида ҳинд сту-
дентларининг борлиги бизни
айниқса қувонтирди. Чунки
улар ҳам Рабиданат Тагор
асарларини қанчалик яхши
қўришса, биз ҳам бу улғу
ёзувчи асарларга шунчалик
эътиром билан қараймиз.
Тагор ўз асарларида инсон-
парварлик, меҳр-муҳаббат
туйғуларини улуғлаган. Биз
ана шу туйғуларнинг ҳаётда
амалий ифодасини топиш та-
рефдоримиз.

Д. РАҲАБОВ,
Низомий номидаги Тошкент
Давлат педагогика институти
студенти.

«Ҳиндистон ёшлари» виставкаси очилди

Ўзбекистон ЛКСМ Марка-
зий Комитетининг «Илҳом»
ижодкор ёшлар клубида 3
сентябрь кунини очилган
«Ҳиндистон ёшлари» виста-
вкаси эмблемасида йигит
ва қиз, зайтун шохчасини
тишлаб олган тинчлик оқ
кабутари Ҳиндистонлик ёш
усталар ва ҳунармандлар
ясасан ўнлаб фотосурат, беш
юздан ортиқ буюмсурат кў-
йилган.

Ўзбекистон ЛКСМ Мар-
казий Комитетининг би-
ринчи

Носиров виставка очилиши
муносабати билан бў-
либ ўтган митингга гапи-
риб, фестиваль программаси-
сининг ёшлар қисмига ки-
рувчи бу экспозиция иккала
мамлакат йигит ва қизла-
рининг бир-бирларини яқин-
дан билишларига имкон бе-
риб, ўзаро алоқаларни муста-
ҳкамлашга қўмаклашади,
деди.

Жамму ва Кашмир шта-
тининг маданият министри
Муҳаммад Аслом виставка
ташқилотчиларига миннат-
дорчилик билдириб, бундай

виставкалар ва фестивал-
лар Ҳиндистон ва СССР
халқлари ўртасидаги дўст-
лик алоқаларини мустаҳкам-
лаб, бутун дунёда тинчлик-
ни сақлаб қолишга қўмак-
лашяганини алоҳида таъ-
кидлади.

Шу кунини Ҳиндистонлик
меҳмонлар В. И. Ленин но-
мидаги республика ПIONE-
рлар ва мактаб ўқувчилари
саройида бўлиб, сарой
секциялари ва тўғарақлари-
нинг иши билан танишдилар.



СУРАТДА: Ҳиндистон фестивали қатнашчиларидан бир группаси.



ДЎСТЛИК ФЕСТИВАЛИ

Агар планетамиздаги мамлакатларни аҳоли сони жиҳатидан гуруҳлаштирилган бўлса, Ҳиндистон энг йирик давлатлар қаторида бўлади. Аҳолисининг сон қўшниси Ҳиндистон ер юзиде иккинчи ўринда, яъни ўзининг шарқий ён қўшниси Хитойдан кейин туради, холос. Ҳиндистон аҳолиси бугунги кунда 730 миллиондан ортиқроқ киши бўлиб, бу кишиларнинг 16 процентини ташкил қилади. Ҳиндистон аҳолиси СССР аҳолисининг деярли 3 марта ва Ўзбекистон аҳолисининг эса 40 марта кўпроқ.

Ҳиндистон аҳолисининг 24 процентини яқини шаҳарларда, 76 процентини эса қишлоқларда яшайди. Калкуттада 10 миллион ва Бомбейда 9 миллион аҳоли бор. Мамлакат пойтахти Деҳли шаҳрида эса 6 миллиондан ортиқ киши яшайди.

Бу қадимий ўлка нафақат аҳолисининг кўпчилигини, балки халқининг этник таркиби турли-туманлиги билан ҳам ажралиб туради. Бир сўз билан айтганда Ҳиндистон кўп миллатли давлат. Унда 14 йирик халқ вакиллари истиқомат қилиб, 90 процентдан кўпрогини ташкил қилади. Булар жумласига ҳиндлар, панжобликлар, кашмирликлар, бенгалликлар, бихарликлар, ассамликлар, орислар, гуҷаратликлар, ражастонликлар, маратхлар, тамиллар, малаяликлар ва телегулар кирди. Булардан ташқари, Ҳиндистонда яна 150 дан ортиқ тилда ва шевада гапирувчи жуда кўп майда элат ва қабилалар ҳам мавжуд.

Мамлакатда аҳоли кўпчилиги ўзига хос табиқий шарт-шароитлар билан ҳам ажралиб турган. Айниқса, аҳоли ўсишининг доимий равишида назорат қилиб бориш, сабабларини ўрганиш,

табиий ресурсларни ҳисобга олиш ва бошқа шунга ўхшаш қатор проблемалар ўйлантиради. Шу сабабли бўлса керак, Ҳиндистонда тез-тез аҳоли рўйхатга олиб турилади: бугунги кунга 12 марта

центни ташкил қилади. Бунинг сабабларидан бири аввало турғилининг анча юқори эканлигидир. Рақамлар тили билан баён қиладиган бўлса, ҳозирги Ҳиндистонда ҳар миң ки-

тастик маълумотларнинг кўрсатишича, 1901 йили Ҳиндистонда ҳар миң киши ҳисобига ўртача 44,4 киши ўлган бўлса, 1981 йилга келиб бу рақам 14,8 га туши-

тисодий имкониятларидан, айниқса иш билан таъминлаш мушкуллигидан келиб чиқиб, аҳоли ўсишини чеклаш тарафдоридир. Онда бола-лар сонини чеклаш давлат программасига киритилган ва бу масала юзасидан бир қанча ташкилотлар махсус тадқиқот олиб борадилар. Улар жумласига Оилани планлаштириш ассоциацияси, Ҳиндистон медицина ассоциацияси, Ҳиндистон Кризис ярим ой жамияти каби ташкилотлар кирди.

Булардан ташқари, аҳоли ва оила масалаларини ўргатувчи бир қанча махсус йирик муассасалар ҳам бор. Бомбейдаги Халқаро аҳолини ўрганиш институти, Деҳлидаги Соғлиқни сақлаш ва оила масалалари билан шуғулланувчи институт, Лахнаудаги Аҳоли масалаларини ўрганиш маркази, Калкутта ва Бомбейдаги Статистика институтлари ана шунлар жумласидандир.

Ҳиндистонда аҳоли ўсиши билан боғлиқ бўлган иқтисодий проблемаларни ҳал қилишда Совет Иттифоқининг ҳам салмоқли ҳиссаси бор. СССРнинг дўстона ёрдами билан Ҳиндистонда бир қанча саноат объектлари қурилди, булар ҳинд халқининг моддий ва маданий фаровонлигини оширишда, айниқса мамлакат аҳолисини иш билан таъминлашда муҳим аҳамиятга эгадир.

Бугунги кунда Ҳиндистон аҳолиси умуман кўпайишда давом этмоқда. Вирлашган Миллатлар Ташкилотининг ҳисобига кўра Ҳиндистон аҳолиси 2000 йилга бориб салкам бир миллиардга ташкил этаркан.

М. БҲРИЕВА, иқтисод фанлари кандидати, ТошДУ аҳоли проблемаларини ўрганиш лабораторияси илмий ходими.

Жаҳонда иккинчи



аҳоли рўйхати ўтказилган Рўйхатлар натижасидан шу нарсга маълум бўлдики, Ҳиндистон аҳолиси асримиз бошидан ҳозирги вақтгача деярли уч баробар ёки бошқача қилиб айтганда, 238 миллиондан 730 миллионгача кўпайган.

Ҳиндистонда аҳоли асримизнинг 60-йилларидан бошлаб айниқса тез ўса бошлади ва йиллик ўсиш 2,2 про-

ши бошига йилга 36 бола туғилади. Бу анча юқори даража. Чунки худди шу кўрсаткич дунё аҳолиси учун 27,8, СССРда 20,1 ва ҳатто СССРда туғилиш юқори регион ҳисобланган Ўзбекистонда 35,2 ни ташкил этади.

Ҳиндистонда аҳоли ўсиши сонининг нисбатан тез ўса бориш сабабларидан яна бири ўлимнинг кескин яманиши бўлди. Масалан, ста-

Бунга сабаб — Ҳиндистон мустақиллигини қўлга киритгандан сўнг, мамлакат экономикасида ва фан тараққиётида сезиларли ижобий ютуқларга эришилгандир. Жумладан, медицина хизмати ҳам анча яхшиланди, қайсики ҳам давлат, ҳам хусусий муассасаларда олиб борилади.

Бироқ, Ҳиндистон давлати ўз табиий ресурслари ва иқ-

Тарихий манбалар асосида

Ҳиндистон билан Ўрта Осиё ўртасида савдо ва маданий алоқалар кўп асрдан бери давом этиб келди. Бундай яқин ҳамкорлик бу халқлар ўртасида яқин дўстлик муносабатларини қарор топтиришда муҳим роль ўйнади.

Мутахассис олимларнинг бу борада олиб борган самарали изланишлари кўплаб тарихий манба ва ҳужжатларни аниқлаш имконини берди. Жумладан, тарих фанлари кандидати П. Рахмонов мазкур масалани тадқиқот объекти сифатида атрофлича ўрганиб, «ХV—ХХ асрларда Ҳиндистон ва

Ўрта Осиё ўртасидаги муносабатлар» деб номланган тадқиқотини тайёрлади. Ушбу ишда муаллиф савдо алоқалари тарихини ёритиш билан бирга Ўзбекистон олимлари томонидан Ҳиндистонни ўрганилишига доир материалларга ҳам мурожаат қилди. Совет ва ҳинд олимлари қўшма семинарида у шу иш юзасидан доклад билан чиқди. Бу илмий йўлнинг чет эллар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти томонидан ўтказилди.

С. ОДИЛОВА.

Оммалашган журнал

Бундан чорак аср муқаддам чет мамлакатлар билан дўстлик ва маданий алоқалар Ўзбекистон жамияти томонидан бир неча тилда chop этилган бюллетень «Совет Ўзбекистони» деб номланган оммабоп журналга асос бўлган эди. Чиндан ҳам мазкур нашр ўтган 25 йил мобайнида жойларда кенг оммалашди. Эндиликда бу журнал жаҳондаги юздан ортиқ мамлакатда ўз муҳлисига эга.

«Совет Ўзбекистони» рус, ўзбек, инглиз, француз, не-

мис, испан, араб, ҳинд ва бошқа тилларда босиб чиқарилади. Унинг тиражи 65 миң нусхани ташкил этади.

Совет-Ҳиндистон ўртасидаги дўстлик алоқалари янада кенгайиши муносабати билан журнални бенгал тилида chop этиш талбирлари қўрилди. Афғонистонда серқўш республикамизга бўлган қизиқиш ортиб бораётгани инобатда олинб журнални пуштун тилида ҳам чиқариш кўзда тутилди. А. АЛИЕВ.

Янги аъёнлар— ҳаётимиз кўрки

Давр билан ҳамоҳанг

Дориломон замонда яшап-миш турмуш тарзини ўзгартириб боради. Тарққитишга тўсқ бўлаётган, давримизга хос бўлмай қолган, эскирган маросимлар ўрнини янги аъёнлар эгаллаб боришти. Тобора гўзаллашиб, файзли ва тароватли бўлиб бораётган маҳалларда истиқомат қилувчи кишилар руҳида бугун ўзгача кайфият ҳужм сурмоқда. Уларда янгилик томон интилиш ҳисси кўп сайин ортмоқда. Янгида биз Осиёнинг раёнига қарашли «Камолот» маҳалласида бўганимизда бунинг яна бир гувоҳи бўлдик.

«Камолот» райондаги 54 та маҳалланинг энг кексасидир. Маҳаллада номлари алта танланган шоир Ҳабибӣ, бастакор Комилжон Жабборов ва Уста Ширин оталар камол топишган. Ўзбекистон ССР халқ артистлари Саттор Ярашев ва Фароғат Раҳмонова, ўзбек халқ ҳофиз Ортиққўна Имомжўнаевлар ҳам шу маҳаллада истиқомат қилишади. Ўзбек хотин-қизлари орасида биринчилардан бўлиб, 1928 йилда паранжи ташлашга журъат қилган Рихси Ҳўжаева ва бошқа кўпгина мард совет хотин-қизлари шу ерда туғилиб ўсишган.

КПСС Марказий Комитетининг ичкиликбозлик ва алкоголизмга қарши курашини кучайтириш қаҳидати қарори чиққан кундан эътиборан тўйларимиз спиртли ичимликлар сўз ўтказиладиган бўлди. Бунга эришилгани ўзи бўлган йўл, албатта, — дейди маҳалла комитетининг раиси Аваз Гапуржўнаев. — 11 кишидан иборат маҳалла комитетининг маданий-оқартув, ободонлаштириш, тўй маросимларини ўтказиш комиссияси ва бошқа комиссиялар тузиб чиқилди. Бу эса ўз навбатида комиссия аъзолари масъулиятини янада оширди. Улар ўзларига топширилган уштакдада фаол ишлайдиган бўлишди.

Маҳалладаги 3200 нафар аҳоли истиқомат қиладиган 380 та хонадоннинг бирортаси ҳам тўй комиссияси аъзолари билан маслаҳатлашмасдан бирон-бир тадбир ўтказишмайди. Биз эса ойда бир марта маҳалла комитетини янгиб шу комиссиялар раисларининг ҳисоботини тинглаб борамиз, ўзбошимчаликка йўл қўйган уй аъгалари билан суҳбатлар ўтказамиз.

Маҳаллада ўтказилаётган тарғибот-ташвиқот ишларини рўйхатга олиб борадиган журнал билан танишиб чиқарганимиз участка инспектори, милиция майори Абдурашид Ражабовов, филология фанлари кандидати Солиҳ Асқаржўнаев, «Билим» жамияти лекторлари, маҳаллада жойлашган А. Айний номлидаги 84 ва 34-ўрта мактаб педагогларининг динга, ичкиликбозликка ва алкоголизмга, меҳнатсиз даромадларга қарши ва бошқа мазмунларда лекциялар ўқиб суҳбатлар ўтказатганликларини ва бу тадбирлар А. Навоий номлидаги маданият уйи бадий ҳаваскорларининг иштирокида бўлаётганининг гувоҳи бўламиз.

Ириқ саналарга бағишланган тантаналар ҳам мунтазам равишда бўлиб туради. Буюк Ҳалабанинг 42 йиллигига бағишланган кечда (маҳаллада 24 нафар Улуғ Ватан уруши қатнашчиси ва АДРда хизмат бурчини ўтаб қайтган 3 та йигит истиқомат қилишади) эса Совет Иттифоқи Қарамон Солиҳ ака Умаров иштирок этди.

Аваз ака ҳаммаи жамоатчилик кучига суянади. Шу боис у бирор муҳим иш бўлса дарҳол ўртоқлик сули (рақос) тартти аъзоси, Қирон район ЗАГС бўлими мудир Марҳамат Нўлдошева, жам 3 кишига ёни участка инспекторига мурожаат қилади.


Эндиликда тўйларини битта жойда ўтказишни йўлга қўй-ляпти. Турар жойлардан фойдаланиш участкаси иккитридаги 12 та оила истиқомат қиладиган уй аъгалари янги жойга кўчирилиши муносабати билан уй бўшаб қолди. У халар йўли билан ремонтдан чиқарилади. Ҳозир эса шу ерда 400 кишига мўлжалланган катта зал тайёрлаб қўйилди. Иккита никоҳ тўйи шу залда ўтказилди.

Биз маҳалла активлари хизматидан мамнунимиз, — дейди Улуғ Ватан уруши қатнашчиси, меҳнат ветерани Толиб ота Болтабоев. — Уларнинг елиб-югуришлари натижасида маҳалламиздан ўтадиган «Дархон» ва «Вольшеви» кўчаларидан, «Комсомол» метросига ча бўлган масофага 1985 йилда асфальт ётқизилди. Активлар поликленика масаласида ҳам елиб-югуришди. Халқлар дўстлиги кўчасида ва Бешбеч массивида яшовчилар ҳамда «Камолот», «Тархиломон», «Янгиобод», «Катта бор», «Виринчи май», Маяковский номи, «Чақар» маҳаллаларида истиқомат қилувчи жами 65 мингта яқин аҳоли номидан тегишли идораларга мурожаат қилинди. Ҳозир бу ерда очилган катталар ва болалар поликлиники аҳоли хизматиди.

Биз сўз билан айтганда, ўз-ни маҳалласи жонкуяри ва ҳақиқий хўжайини деб билган кишигина у ерда бўладиган ҳар бир ибратли ишга ўз ҳиссасини қўйишга ҳаракат қилади. Ана шундангина маҳалланинг обрў-эътибори ошади, янги аъёнлар ҳаёт кўркига айланади. Бунини биз ҳаноя қилган маҳалла мисолидан ҳикоя қилиш мумкин.

Х. НУМАНАЗАРОВ.

Бизнинг Ҳиндистон



Қўшиқлар жозибаси

Аъёнларга бой ҳинд диёри маданияти ўзининг хушоҳанг музыка садолари билан инсоннинг бутун ҳаёти довомида яқин ҳамроҳи бўлиб келади. Йилнинг фаслий ўзгаришлари кўшиқлар билан нишонланади; қўшнча ва қайқич, чўпон ва сарбонлар ашууларни кўшиш иш маросимга айланган киритилади. Бу расм-русм узок ўтмишдан бери ҳиндлар музыка маданиятининг бой манбаи бўлиб келган ва ҳозирда ҳам шундайлигига сакланиб қолмоқда. Класик аъёнани саклаб қолиш учун онгли ижрончилик маҳоратини самимият билан ифода эта олишни бўйсундириш лозим. Анъанавий мерос камол топиб, янги махсус бера бошлашгача бўлган давр мобайнида узок ривожланиш йўлини, босиб ўтиш муқаррар ва кўп ҳолларда бунга тарихнинг беқарорлиги монелик қилади. Гарчи шундай бўлса, Ҳиндистоннинг музикаий мероси ўта жозибдор ва ақилқилар.

Ҳинд музикаси дунёга келибдики, одаддаги баёловат ҳаётга хотир-халқлик бахш этиб келаяпти. Халқ орасида нафақат ритмик декламация, қолаверса куйлашга кўпроқ эъ-

тибор қаратилди. «Ригвида» гимнидан «Самаведа» кўшиқлари ўсиб етилади. Вақт ўтган сари бундай кўшиқлар кўпаяверди. Музиканинг жозибдор садолари кишига уни ўраб турган муҳит билан ажралмаслигини англашда ёрдам берди. «Бара» маси кўшиқлари йил мавсумининг ўзгариши, баҳор кириб келаётганини тараққий этган.

Ҳинд музикаси аср секин, ўрта ва тез сўрғатда ижро этилиши мумкин. Шимолий Ҳиндистонда музика паст сўрғатда, мамлакатнинг жанубида эса икки марта секинроқ ҳамда икки марта тезроқ ижро этилиши мумкин. Мамлакатга келган чет эллик кишилар асарият ҳолларда ҳинд музикасиданги биргина ритмик цикл ёки вази бирлиги турлича яратилганлигини кўзатибди ва текст мазмунини тушунишда кутимлаган мураккабликларга дуч келадилар.

Халқ музикаси оҳангдорлик ва ритм билан бойиб бораётган, у ўз навбатида ажойиб йўли босиб ўтди. Еру кўни забт этган ушбу санъат тури ривож топишда вақт ўтиши билан инсон қалбининг таркибий

қисми ва ўз-ўзини ифода этиш воқисасига айланди. Ашула айтиш эстетик изланишгача эмас, балки маънавий изланиш ҳам бўлиб қолди.

Давлатнинг муайян жойларида эъзолаштириб келинаётган «ғазал» форс шеърли формаси Ҳинд ўлкасида иккинчи ватанини топди. Бу кўшиқчи ўз хусусиятлари билан Англиянинг Елизавета давридаги куйларга ёки герман ашулаларига ўхшатиш мумкин. Жанубий районда кенг ёйилган «Варна» музика формаси рага (ҳинд санъаткорининг севимли музика асбоби) жўрлигида ижро этилади.

Кўп штатли Ҳиндистонда яна «Тилана», «Тарана», «Падама», «Катхали» каби кўшиқлар кенг ёйилган бўлиб, одадда улар рақос ва рақосларни «қани, маҳоратини кўрсатиш» дея сахнага қўрилади.

Турмушда овозли фильмлар яратилибдики, икки сериядан иборат ҳинд фильмлари жаҳоннинг турли нуқталарида ўтаётган катта миқёсдаги киноанжуманларда жамоатчилик эътиборига сазовор бўлиб келаяпти. Бу соҳадаги асосий муваффақият омиллари нимада? Фильм сюжетига


қўрқ берувчи социал мазмунга бой ашулаларнинг маҳоратли хонандалар томонидан ижро этилуви лавҳалари ўзига хос аҳамият касб этади. Йилки серияли ҳинд бадий фильмларида ашулалар сон 2 тадан 10 тагача етиши мумкин.

Сир тутишининг ҳолати йўқ, бугунги кунда ҳинд театрнинг актёри ёки кино артисти бўлишни ўз олдига мақсад қилиб қўйган киши яхши овози билан ҳам ажралиб туриши лозим.

Яқин ўтмишда Ҳиндистонда реалistik фильмлардан музикани мутлақо суриб чиқариш кампанияси бошланган эди. Кўп вақт ўтмасданок бу ҳаракат киноомошбинлар томонидан жиддий эътирозга сабаб бўлди. Шундан сўнг бу соҳанинг маъсум раҳбарлари оқилона бир қарорга келдилар. Агар биз кўшиқларни кинолардан қўшиб юборгудек бўлсак, у ҳолда уларни гўзаллик ва жозибдорликдан маҳрум этиб қўйишимиз ҳеч гап эмас. Ахир музика таланти режиссёрнинг қўлида экан асарини бойитиши мумкин-ку...

Б. ГИЕСОВ.

Икки ноёб пластинка



Ҳинд киноси устаси Раж Капурнинг номи жаҳонга машҳур. У режиссёр, киноартист ва қўшиқчи ҳамдир. Унинг фильмларида айтилган қўшиқлар тўплами санъаткорнинг 60 йиллигига бағишлаб пластинка қилиб тайёрланди. Пластинка Ҳиндистонда чиқарилган. Ундаги қўшиқлар «Дайди», «Жаноб — 420», «Сагга», «Бобби» ва бошқа бадий фильмлардан олинган бўлиб, ҳар бир пластинкадан 15 қўшиқ ўрин олган. Иккала пластинка Москвада бўлиб ўтган Ҳиндистон кунларида савдога чиқарилди.

СУРАТЛАРДА: пластинкаларнинг муқовалари.

Х. Мирзакаримов фотолари.



ДИҚҚАТ, ҚИЗҚАРЛИ ТАЖРИБА

«Экологик» телефон

Хабаровск аҳолиси Амурни булғанишдан актив муҳофазаси қилмоқда. Сувадан фойдаланиш ва уни муҳофазаси қилишни тартибга солиш Узоқ Шарқ

ҳавза бошқармасида ўрнатилган махсус телефонлар буюм дари «саломатлиги хизмати» самарадорлигини оширди.

Масалан, шаҳар атрофидаги

Воронеж посёласининг аҳолиси Узоқ Шарқ темир йўли Хабаровск бўлими санитарий-профилактикасининг қозончоқ-насидадан чиқаятган қора мой

оқимини тўхтатишда ёрдам берди. Уй комитетларидан биринчи активлари Хабаровск 2-станцияси локомотив депоси тозалаш ишчиотларининг ишдаги нозоллидан ташвишга тушиб бу тўғрида хабар қилдилар ва тегишли чоралар қўрилди. Шаҳарликлар ўзбошимчилик билан бинокорлик ахлатлари ташланаётган, водопро-

вод ва канализация тармоқлари тешилган, автомобиллар транспорт нозоратсиз ювляётган жойларнинг адресларини дарров маълум қилмоқдалар.

«Экологик» телефон вазиятни тезроқ билиб олиб, иш қўришимизга ёрдам бермоқда, — дейди Хабаровск территория-лад гидрохимия лабораторияси-

нинг бошлиғи Ю. Планоков. — Ҳавза учун хатарли аварияларни назорат қилиш мумкин бўлган барча норхоналар ва ташкилотларни аҳоли ёрдамида диққат билан назорат қилиб туришга муваффақ бўляпти. Гап суз бўлганини тўғрисида бораганида ҳар қандай сусташлик жиноятдир. Булар РСФСРнинг сув тўғрисидаги

қонунларини бузишдан давлатга ўлжа марказининг ўзидангина етказилган зарар 2 миллион сўмдан ошиб кетганлиги Амур ҳавзасида экологик вазият назоратини кучайтириш зарурлигини ибратли турибди.

Е. ТУННИКОВА, ТАСС муҳбири, Хабаровск.



АССАЛОМ, ХИНД БАЙРАМИ!



Е. Ботиров фотоси.



ГРАЖДАНЛАР
ДИҚҚАТИГА!

3, 4, 5, 6, 7, 8-РАЙОН
ҚОЗОНХОНАЛАРИДА ВА
ТОШКЕНТ ТЭДИДА ПЛА-
НИ РАВИШДА ПРОФИ-
ЛАКТИКА ИШЛАРИ ОЛИБ
БОРИЛИШИ МУНОСАБА-
ТИ БИЛАН
ҚУНИДАГИ ЖОЙЛАРГА
ВАКТИНЧА ИССИҚ СУВ
БЕРИШ
ТУХТАТИЛАДИ
12, 10, 11, 12, 13, 14,
15, 26, 27-кварталлари, Сту-
дентлар шаҳарчаси, ТошМИ,
Олимпиа, Бешёғ Олмазор,
массивлари, Бешёғ Олмазор,
Навоий, Беруний, Абай кўчалари,
Чорсу массиви, ТошМИ
клиникаси, Калинин, Чим-
бой, 2/1-Қорақамий массиви
— 7-10 сентябрь кун-
лари;

авиасозлар шаҳарчаси,
Оҳангарон шоссеси бўйидаги
турар жойлар, Генерал Пет-
ров кўчаси, Слоним кўчаси
— 14-17 сентябрь кунлари.
Чилонзор массивининг 1,
2, 3, 4, 5, Е, И-кварталлари,
Б. Хмельницкий, Ш. Густа-
вский, Мухомов, Шевченко,
Стахановцев, Грузовая, Ива-
новский, Тўқимачилар, Пол-
торацкий, Чилонзор, Жур-
нальная кўчалари — 14-
18 сентябрь кунлари;
Қўйилк массивининг ҳам-
ма кварталлари, Новий путъ
кўчаси, 2-Ипподром проезде,
Бехтерев ва Гайдар кўчалари-
да — 18-19-сентябрь кун-
лари;
Чилонзор массивининг 6,
26 кварталлари, Думбродов
массивида 21-24 сентябрь
кунлари;
Юнусовод, Қорақамий,
Тансиқовое массивларининг
кварталларида, Ангельс кў-
часида, Шимолий Олмазор
массивида — 28 сентябрь 1
октябрь кунлари;
Сергели массивининг квар-
талларида — 12-14 октябрь
кунлари.
33-32-32 телефони бўйича
справкалар олиш мумкин.
«ТАШТЕПЛОСЕТЬ» КОР-
ХОНАСИ.

Тошкент шаҳар ижроия
комитети
Трамвай-троллейбус
ишлаб чиқариш
бошқармасининг
ЎҚУВ КОМБИНАТИ
Трамвай ва троллейбус
қайдоқчилар
тэйрлайдиган
КУРСЛАРГА

Ўқувчилар
қабул қилади

ЎҚИШ МУДДАТИ: трам-
вай қайдоқчилари учун — 5 ой
(20 ешдаги кишилар қабул
қилинади); троллейбус қай-
доқчилар учун — 6 ой (21
ешдаги кишилар қабул қи-
линади).
Стипендия — ойига 70
сўм.
Ўқиниш қабул қилинган-
лар трамвай ва троллейбус-
ларда бепул қатнайди.
Елгиз кишиларга ётоқхо-
надан фойдаланиш
ҚУНИДАГИ АДРЕС-
ЛАРИДАГИ КАДРЛАР БУ-
ЛИМИГА МУРОЖААТ
ҚИЛИНСИН:
ТРАМВАЙ ДЕПОЛАРИ:
1 — Гайдар проезде, 50-
уй;
2 — Гафур Гулом кўчаси;
3 — Красновосточная кў-
часи, 3 «а» уй;
ТРОЛЛЕЙБУС
ДЕПОЛАРИ:
1 — Тарас Шевченко кў-
часи, 28-уй;
2 — Чилонзор массиви,
Пионер кўчаси, 4-уй;
3 — Красновосточная кў-
часи, 3 «а» уй.
ЎҚУВ КОМБИНАТИ —
Новий путъ кўчаси, 180-
«а» уй.
МАШҲУЛОТ Л А Р —
ГРУППАЛАРИНИНГ КОМ-
ПЛЕКТЛАШУВИГА КЎРА
БОШЛАНАДИ.

Яхши дам олинг

РЕСПУБЛИКА БОШ
КУРГАЗМАСИДА

Ўзбекистон ССР халқ хўжа-
лиги ютуқлари кўргазмасининг
дам олиш зонасида 4 сен-
тябрь кун соат 18 да нефть
ва газ саноати ходимлари ку-
нига бағишланган байрам ўтқа-
зилади. Бош кўргазманинг ки-
нолекторийсида республика-
мизнинг турли областларида
нефть ва газ қурувларни ётқи-
зётган бўйдоқкорлар тўпланиб,
ўзларининг меҳнат муваффа-
қиятлари ҳақида гапириб бе-
радилар.

Байрам қатнашчилари шара-
фига оромгоҳда бир қатор ма-
даний тадбирлар қозғалган.
Нефть ва газ саноати ходим-
лари бадий хаваскорлик кол-
лективларининг концертларини
қурадилар, мовий кўла қа-
йиқларда сузадилар.

ТЕАТРДА КАТТА КОНЦЕРТ

Тошкентда бошланган Хинд-
истон фестивали муносабати
билан Алишер Навоий номи-
даги Ўзбекистон ССР Давлат
академик катта опера ва балет
театри биноси 5 дан 12 сента-
брьга Хиндистон санъат у-
сталирининг ихтиёрига берилди.
Бу санъат қосионасида Улуғ
Октябрнинг 70 йиллиги ва
Хиндистон мустақиллиги-
нинг 40 йиллигига ба-
ғишлаб намойиш этиладиган
санъат усталарининг концерт-

лари маданий ҳаётимизда ўзи-
га хос ёрқин саҳифа бўлиб
қолади.
Хамшаҳарларимиз ва пой-
тахтимиз меҳмонлари бу теа-
трда Хиндистоннинг шимолий,
жанубий вилоятларидан келган
музикачилар, раққослар иш-
тироқда жозибали концерт-
ларни завоқ билан томоша қи-
ладилар.

ҚИЗҚАРЛИ ТАДБИРЛАР

Тошкентда Хиндистон фести-
вали муносабати билан бир
қатор санъат ва маданий дар-
гоҳларида ҳам қизқарли тад-
бирлар ўтказишга киришилди.

Ўзбекистон ССР давлат санъат
музеида 5 сентябрь кун
очилган «Хинд кадимий ма-
назари ва заргарлик санъа-
ти» кўргазмасини томоша қи-
лиш мумкин. Бу кўргазмага
олтин ва асл нави тошлар,
фил суяги, шамишёр ёгондан
ишланган нафис буюмлар, қа-
димий қуруллар намуналари
намойишга қўйилган. Кўргаз-
ма ҳаммаси бўлиб 250 га яқин
экспонатдан иборат.

Ўзбекистон ЛКСМ Маркази
Комитетининг Ёшлар уйи
биноси ҳам фестивал қатнаш-
чилари билан гавжум бўлиб
турибди. Бу ерда хинд фото
санъати усталарининг асарлари
кўргазмаси ташкил этилди.
Бу кўргазма дўст мамлакат-
нинг бугунги жўшқин ҳаёти,
меҳнаткаш халқи ҳақида хи-

коя қилади. Расмлар орқали
Хиндистоннинг кўпгина вило-
ятлари сафар қилиш мумкин.
СССР халқлари дўстлиги
музеида очилган ана бир фо-
тосуратлар кўргазмаси «Хин-
дистон хотин-қизлари» деб
аталади. Унда Хиндистон кор-
ноналарида ва ҳунармандлар
устахонасида тўқилган тул-
ли газламалар томошабини-
лар диққатига ҳавола қилинади.
Худай шу ерда хинд халқи-
нинг замонавий либослари на-
муналарини ҳам кўриш мум-
кин.

САЁХАТЛАР ЧОРЛАЙДИ

Тошкент санъат ва экс-
курсиялар бюроси турли кор-
хоналар ва муассасаларнинг
иши ва хизматчилари истак-
ларини бажо келтирмоқда.
Шу ҳафтада Урта Осиёнинг
гузал навигоҳлари бўйлаб
кўллаб саёхатлар ўтказилди.

Саёхатлар маршрутда
Самарқанд ва Бухоро шаҳар-
лари салмоқли ўрин эгаллаб
турибди. Кўпгина мамлакатла-
ва ўлкаларнинг туристлари
диққатини жалб этаётган бу
қадимий шаҳарларда меҳмон-
ларга хизмат кўрсатиш мада-
нияти намунаси йўлга қўйил-
ган. Шунинг учун ҳам ана шу
маршрутда туристлар оқими
ой сайин кўпаймоқда.

Тошкентда 5-Октябрь 50
йиллиги номидаги тикув
ишлаб чиқариш бирлаш-


маси ирригация трес-
ти, Урта Осиё темир йўл бош-
қармасининг клиник касалхо-
наси, Урта Осиё шолли илмий-
тадқиқот институтининг ме-
ханизациялашган колоннаси, рес-
торанлар трести ишчилари ва
хизматчилари ана шу шаҳар-
ларга сафар ўтказиш учун
йўлга чиқишди.

Ўзбекистоннинг ишла-
б чиқариш комбинати, «Га-
лаба» районидagi Дмитров
номли колхоз, Тошкент тикув
ишлаб чиқариш бирлашмаси
ишчилари Кўкон, Ҳамзаобод
ва Наманган шаҳарлари билан
танишиш истгани билдирил-
лар.

Республика кўзи оқизлар
жамаияти ва унга қарашли кор-
хоналар ишчилари икки кун-
лик саёхатини Тожикистоннинг
Уратепа, Ленинобод шаҳарла-
рида ўтказишди. Ана шу
маршрут бўйлаб Тошкент дав-
лат университетини хизматчилари
ҳам йўлга чиқишган.

159-қурилиш трести, ша-
ҳар ички ишлар бошқармаси,
устки трикотаж фабрикаси,
трактор заводи ишчилари Шах-
рисабз, Қониобод, Жиззах,
Панжикент, Самарқанд шаҳар-
лари учун йўлланмалар олиш-
ди.

Редактор ўринбосари
С. Б. ЁҚУБОВ.



НАВОЙ НОМИДАГИ И ҲАЗЕВ
ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА
ТЕАТРИДА — 4/IX Феврал, 5,
6/IX да Хиндистон санъат у-
сталирининг концерти.



4 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Қозғонистон — «КУЗ Е ЕШЛАР
ОРОЛИДА ИККИ КИШИ» (17,
18, 19.00). «КУЗ» (20.00).

Ватан — «ЧАНГАДА ҚҚОЛГАН
ГУЛ» (16, 18.30 21.00).

Москва — «ТОВУШЛАРДА
ЖАРАНЛАГАН ХОТИРА» (17,
19, 20.40). «КУЗ ЕШЛАР ОРО-
ЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (тоқ
соатларда, сўнгги секинс 20.40).

Чайка — «ГАПЛАШАЙЛИК,
АКА» (16, 18.30, 21.00), «ХАВО-
ЛИ ГАСТРОЛЛАР» (17.17, 19,
20.45).

Тошкент Советининг 5 50 йил-
лиги — «ШАХРИЗОДАНИНГ
ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (16, 3, 18.30,
21.00).

Ватан — «КУЗ» (16.00).
«ОЧИНГ, МИЛИЦИЯ» (18.18, 21.30).

Нукус — «ЧАККИГА-ДДАККИ»
(16, 18.30, 21.00).

Лисувов номи — «АМИСО-
ЛИ УЧ МУШКЕТАР» (17.7, 20.00).
Искра — «АССОНА В ВА ИН-
СО» (12, 14.00). «ХАВОЛИ
ГАСТРОЛЛАР» (16, 18, 1, 20.00).
ВЛКСМ 30 йиллиги — «А-
МЕЛИЯЛИ ХОНИМ ТА'АРИХИ»
(жуфт соатларда).

Ғуна — «ЮЛДУЗ Б БУЛИШ
ОСОНМИ» (16, 20.00).

5, 6 СЕНТЯБРДА

БАДИЙ ФИЛЬМЛАР:

Қозғонистон — «КУЗ Е ЕШЛАР
ОРОЛИДАГИ ИККИ КИШИ»
(11, 13, 14, 15, 17, 18, 1, 19.00).
«КУЗ» (12, 14, 20.00).

Восток — «ЧАНГАДА ҚҚОЛ-
ГАН ГУЛ» (11, 13.30, 16, 18.30,
21.00).

Москва — «КУЗ ЕШЛАР ОРО-
ЛИДАГИ ИККИ КИШИ» (тоқ
соатларда ва 20.40 да).

Чайка — «ХАВОЛИ ГАС-
ТРОЛЛАР» (11, 13, 15, 17, 19,
20.45).

Тошкент Советининг 5 50 йил-
лиги номи — «ШАХРИЗОДА-
НИНГ ЯНГИ ЭРТАКЛАРИ» (11,
13.30, 16, 18.30, 21.00).

Ватан — «КУЗ» (12, 16, 5, 20.00).
«ОЧИНГ, МИЛИЦИЯ» (14, 18,
21.30).

Нукус — «ЧАККИГА-ДДАККИ»
(11, 13.30, 16, 18.30, 21.00).

Лисувов номи — «АМИСО-
ЛИ УЧ МУШКЕТАР» (11.11, 14,
17.00, 20.00).

ВЛКСМ 30 йиллиги номи — «А-
МЕЛИЯЛИ ХОНИМ ТАРИ-
ХИ» (жуфт соатларда).

К. Ерматов номи — «ШАХ-
РИЗОДАНИНГ ЯНГИ 3 ЭРТАК-
ЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30,
20.45). «АФРОДИТАНИНГ СОВ-
ФАСИ» (жуфт соатларда).

Ғуна — «ЮЛДУЗ Б БУЛИШ
ОСОНМИ» (16, 20.00).

М. Шайхзода номи — «ШАХ-
РИЗОДАНИНГ ЯНГИ 3 ЭРТАК-
ЛАРИ» (11, 13.30, 16, 18.30,
20.45).

Дружба — «ЧАККИГА-ДАК-
КИ» (11, 12, 14, 15, 17.17, 18,
20.30).

АВТОМАТ-ЖАВОБ БЕЎРУВЧИ

ТЕЛЕФОНЛАР:

Санъат саройи — 444-21-44,
44-21-34, 44-21-79.

Ватан — 74-30-30.

Чайка — 77-06-20.

Москва — 33-05-01.

Тошкент Советининг 5/50 йил-
лиги — 78-47-25.

Восток — 91-14-61.

Лисувов номи — 96-64-02.

Искра — 39-14-59.

Нукус — 46-46-55.

Дружба — 67-96-87.

Шаҳар кинотеатрларида хиз-
мат кўрсатиш маданиятини юк-
салтириш қозғонистон тили
ва ишлар билан Тошкент ша-
ҳар ижроия комитети кино-
лаштириш бошқармасига 33-
37-11 телефон номери бўйича
муружаат қилинсин.

Ўзбекистон ССР Госсесна-
бининг «Ўзгавторресурс»
Бош бошқармаси ва Тош-
кент шаҳар ишлаб чиқариш-
тайёрлаш корхонаси корлек-
тивлари шу корхонанинг
собиқ директор ўринбосари,
Улуғ Ватан уруши 3 қат-
нашчиси, меҳнат ветерани
Юнус Абдурахмонович
МУХЛИСОВНИНГ

вафот этганини чуқуру
кайга билан билдириб, мар-
ҳумнинг она аълоларига
таъзия изҳор қилади.

«Средазинипнефть» ин-
ститутини коллективни ака-
саи союз комитетининг ра-
ис Р. А. Паттаховга отутаси

Бодомжон

ИСАЕВНИНГ

вафот этганини муносабати
билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

«Средазинипнефть» ин-
ститутини коллективни ака-
саи союз комитетининг ра-
ис Р. А. Паттаховга отутаси

Азиз

ПАТТАХОВНИНГ

вафот этганини муносабати
билан чуқур таъзия изҳор
қилади.

Автомобиль эгалари диққатига!



Сиз автомобилнингизда ёниш тежамли ишлатилиши
ёки электр асбоб-ускуналаридagi нозиликлари тезда
бартараф этишни хоҳлайсизми? Агар шундай бўлса, ав-
томобилларга техника хизмати кўрсатувчи
ТОР-1 АСБОВНИ СОТИВ ОЛИШГА ШОШИЛИНГ.
Мазкур асбоб двигателнинг техник ҳолатини
созлаш, аккумулятор, генератор параметрларини
аниқлаш учун мўлжалланган ва ҳожазо.
Адрес: 700000, Тошкент шаҳри, Гоголь кўчаси, 38-уй.
Телефон 33-78-34.

ЛЕНИН РАЙОН ОШХОНАЛАР ТРЕСТИГА
ҚАРАШЛИ

МАКТАБ-ОШХОНА

1987-88 ўқув йили учун
ОШПАЗЛАР ГРУППАСИГА

Ўқувчилар қабул қилади

Ўқишга тошкент шаҳрида доимий про-
пискада турувчи, 8-10 синф маълумотида
эга бўлган қизлар қабул қилинади.
Мақтаб-ошхонага иштирокчилариз қабул қилинади.
Ўқиш муддати — 11 ой.
МАШҲУЛОТЛАР — ГРУППАЛАР КОМПЛЕКТЛА-
ШУВИГА ҚАРАБ БОШЛАНАДИ.
Ўқувчиларга ойига 52 сўмдан 62 сўмгача стипендия
тўланади.
Мақтаб-ошхонани битирган ўқувчилар трест корхона-
лари — замонавий технологик асбоб-ускуналар билан
жизҳозланган ошхоналар, кафеларга ишга жойлашадилар.
Ўқиш даври меҳнат стажига қўшиб ҳи-
собланади.

Мақтаб-ошхонани битирган ўқувчиларга 3 разрядли
ошпаз квалификациясини берилганлиги ҳақидаги гувоҳнома
берилади ва улар совет савдоси техникумининг кечки
ёки сиртки бўлимларига ҳамда ишчи ёшлар мактабига
ўқишга кириш имкониятидан фойдаланадилар.

Муружаат учун адрес: Тошкент шаҳри, Полторацкий
кўчаси, 39-уй, кадрлар бўлими. Телефон 56-54-36.

Ўзбекистон ССР ҳунар-техника таълими давлат комитети
ТОШКЕНТ ШАҲАР ҲУНАР-ТЕХНИКА ТАЪЛИМИ
БОШҚАРМАСИ

32-ЎРТА ҲУНАР-ТЕХНИКА БИЛИМ ЮРТИ
1987-1988 ўқув йили учун

8-10 синф ҳажмида маълумотга эга бўлган
НИГИТ ВА ҚИЗЛАРИ

қунидаги ихтисосликлар бўйича

Ўқишга қабул қилади

КОНФЕТЧИ, ҚАНДОЛАТЧИ, НОВВОЙ, СОВУТИШ
ҚУРИЛМАЛАРИ РЕМОНТИ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ
КЎРСАТИШ БЎЙИЧА МЕХАНИК, НОН ЕПИШ СА-
НОАТИ МАШИНА ВА УСКУНАЛАРИНИНГ СОЗЛОВ-
ЧИЛАРИ, САНОАТ УСКУНАЛАРИНИНГ РЕМОНТЧИ-
СЛАРАИ (нон заводлари учун).

Ўқиш муддати: 10-синф маълумоти билан 1 йил,
8-синф маълумоти билан 2 йил.

Билим юртига 8-синф маълумоти билан қабул қилин-
ганлар 3 маҳал бепул оқват, формали кийим-бош, яхши
жизҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар. Ишлаб
чиқариш практикаси вақтида ўқувчилар иш ҳақининг 50
процентини оладилар.

Билим юртига 10-синф маълумоти билан қабул қилин-
ганлар ойига 30 сўмдан стипендия оладилар ҳамда яхши
жизҳозланган ётоқхона билан таъминланадилар.

Ўқиш даври меҳнат стажига қиради.

Билим юрти қошида кечки мактаб ишлаб турибди.
Турли спорт секциялари, бадий хаваскорлик ва бошқа
тўғараклар мавжуд.

Билим юрти битирувчиларига ихтисослари бўйича 3 —
4 разряд берилади. Билим юртини аъло баҳолар билан
битирувчилар олий ва ўрта ўқув юртиларига юбориладилар.
Билим юртига кириш учун қуйидаги ҳужжатлар зарур:
билим юрти директори номига ариза, маълумоти ҳақидаги
гувоҳнома ёки аттестат, паспорт ёки туғилганлиги тўғ-
рисида гувоҳнома, турар жойдан справка, медицина
справкаси (086/У форма), 6 дона фотосурат (3х4 см,
ҳажмида).

Билим юрти адреси: Тошкент шаҳри, Куйбишев райо-
ни, 6-й кўчаси, 52-уй (21, 49-й) автобусларнинг «2-нон
заводи», 16, 89-автобусларнинг «Касб касалликлари ин-
ститут» 3, 29, 23-трамвайларнинг «Фонтанная кўчаси»
бекатлари.

СССР Маданият министрлиги

«ГОСКОНЦЕРТ»

«ЎЗБЕККОНЦЕРТ»

КАТТА ТЕАТРИ БИНОСИДА

5, 6, 7, 8, 9, 10, 11, 12 СЕНТЯБРЬ СОАТ 19.30 ДА

Улуғ Октябрнинг 70 йиллиги ва Хиндистон мустақил-
лигининг 40 йиллигига бағишлаб

СССРДА ХИНДИСТОН

ФЕСТИВАЛИНИ ЎТКАЗАДИ

Хиндистон санъат

усталарининг

концертлари

ҚАТНАШАДИЛАР:

Катхак Кедридан келган Катхак услубида рақо тушув-
чи раққослар группаси;

Шайх Чини Муелая (нагасварам) — Жанубий Хин-
дистон анъанавий классик музикасини ижро этувчи ан-
самбл;

Харипрасад Чаурасия (флейта) — Шимолий Хинди-
стон анъанавий классик музикасини ижро этувчи ансам-
бл;

Шив Кумар Шарма (саксур) — классик музикани иж-
ро этувчи ансамбл;

Рам Нараян (саранги) — классик музикани ижро
этувчи ансамбл;

Бирджу Махараж иштирокида раққослар группаси.